



25
(1499)-son
25-iyun
2021


Xabar

ERUR SEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN,
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN.

О'ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

ТОШКЕНТДА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА МДХ ФОРУМИ ЎТКАЗИЛАДИ



Тошкентда Ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича халқаро МДХ эксперт форуми бўлиб ўтади. 29 июн куни ўтказилиши режалаштирилган форум Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти томонидан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва МДХ Ижроия қўмитаси кўмагида ташкил этилмоқда.

2

АКТ ва саломатлик

РАҚАМЛАШГАН ШАФФОФ ВА ФАРОВОН ТУРМУШ “103”ни теринг ва сананг: 1, 2 – “Тез ёрдам эшитади”



Хаётнинг ўзи ҳам шаффоф ва фаровон турмушни АКТсиз тасаввур этиб бўлмаслигини кўрсатмоқда. Шу боис илғор технологиялар ва инновацион ечимлар барча соҳаларга кириб борди. Айниқса, “Рақамли Ўзбекистон-2030 Стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармони имзолангач, мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда электрон ҳукуматни такомиллаштириш борасидаги ишлар янада тезлашди. Бундай устувор лойиҳалардан бири Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станциясида йўлга қўйилди.

4

АМИТИ УНИВЕРСИТЕТИГА ҚАБУЛ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Амити дунёнинг энг нуфузли университетларидан бири бўлиб, АҚШ ва Буюк Британиянинг минтақавий аккредитациясига эга.

Дунёнинг 17 мамлакатида халқаро кампусларига, жами 175000дан зиёд талаба ва 6000 дан орტიқ профессор-ўқитувчилар таркибига эга.

Тошкент шаҳридаги Амити университети талабаларга қуйидаги имкониятларни тақдир этади:

- Глобал таълим стандартларига асосланган курслар;
- Юқори малакали чет эллик ўқитувчилар;
- Чет давлатлар талабалари билан алмашинув дастури;
- Ўзбекистондаги йирик компанияларда амалиёт ўташ;
- Етакчи мутахассислар томонидан маърузалар ва маҳорат дарслари;
- Саноат корхоналари ва бошқа кўплаб корхоналарга экскурсиялар;
- Бошланғич стартапларни қўллаб-қувватловчи инкубация маркази.

Университетда 2021-2022 ўқув йили учун қабул давом этмоқда.

Хужжатларни қуйидаги ҳа-вола орқали онлайн топшириш мумкин: <https://amity.uz/admissionmicrosite/login.php>

КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ БЎЙИЧА ВАЗИЯТ

24 июн ҳолатига, жаҳонда COVID-19 билан касалланишлар жами сони 180 433 362 нафарга етди. Вафот этганлар – 3 908 728, соғайганлар – 165 142 819 нафар.

Кунлик касалланишлар энг кўп мамлакатлар (23 июн)

1. Бразилия – 114 139
2. Ҳиндистон – 54 319
3. Колумбия – 29 995
4. Аргентина – 27 319
5. Россия – 17 594



Jumadan
Jumagacha

АКТ ВАЗИРИ ИШТИРОКИДА СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Иброҳим Раисийни Эрон Ислом Республикаси Президенти этиб сайлангани билан табриклади. Давлатимиз раҳбари мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик дўст Ўзбекистон ва Эрон халқларининг манфаатлари йўлида янада ривожланишига ишонч билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 июн куни Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишда глобал парламентларо ҳамкорлик халқаро форумида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Парламентларо иттифоқ Бош қотиби Мартин Чунгонни қабул қилди.

Москва шаҳрида 22 июн куни Ўзбекистон ва Россия Хукуматлари раҳбарлари даражасидаги қўшма комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ва Россия Федерацияси Хукумати Раиси Михаил Мишустин раислигида ўтган йиғилишда мамлакатларимиз раҳбарларининг саъй-ҳаракатлари билан Ўзбекистон ҳамда Россия ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари аниқ амалий мазмун билан бойигани алоҳида таъкидланди.

23 июн куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди. Давлат раҳбарлари Ўзбекистон-Тожикистон стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтириш ҳамда минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришнинг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар.

Президент Шавкат Мирзиёев 23 июн куни "Янги Ўзбекистон" университетида таълим жараёнини ташкил этишга оид тақдимот билан танишди. Мазкур университетда 5та - муҳандислик, табиий фанлар, бошқарув, агротехнологиялар ва ахборот технологиялари факультетлари бўлади. Дарслар ўзбек ва инглиз тилларида олиб борилади. Кредит-модул тизими жорий этилиб, ўқиш давлат гранти ва тўлов-контракт асосида амалга оширилади. Тақдимотда, шунингдек, Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар фаолиятини тақомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ҳам муҳокама қилинди.

Кўчон шаҳрида 24 июн куни Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши туризм вазирларининг VI йиғилиши бўлиб ўтди. Мазкур тадбирда Ўзбекистон, Туркия, Қирғизистон, Қозоғистон, Озарбайжон ҳамда Венгриянинг туризм масалалари бўйича вазирлари иштирок этди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентини имзолаган "2021/2022 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида"ги ва "Янги Ўзбекистон" университетини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорлар эълон қилинди.



Республикамизнинг 28та ўрта ва йирик шаҳарлари ҳамда Тошкент шаҳрининг 12та тумани масъул раҳбарларининг хизматлар соҳаси ва маҳаллий саноатни ривожлантириш борасида билим ва тажрибасини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида ўқув-амалий семинарлари бўлиб ўтмоқда.

Хусусан, 21 июн куни Дастурий махсулотлар ва ахборот технологиялари Технопарк (IT-Парк) мажмуа шоурумида ўтказилган семинар "IT-Паркда ахборот технологиялари ва дастурлаш хизмат-

ларини ривожлантириш" мавзусига бағишланди.

Ушбу семинарда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш.Содиқов иштирок этди.

Ўқув-амалий семинарининг асосий мақсади жойлардаги мутасадди раҳбарларга IT соҳасида хизматлар ва маҳаллий саноатни ривожлантиришдаги ёндашувлар ва уларни шакллантириш услубиётини ўргатиш, ўзаро фикр ва тажриба алмашиш ҳамда самарали мулоқотни ташкиллаштиришдир.

Тадбир якунида иштирокчилар IT-Парк ҳудудидаги қурилиш ишлари билан ҳам танишди.

FORUM



ТОШКЕНТДА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИгини ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА МДХ ФОРУМИ ЎТКАЗИЛАДИ

Гибрид форматда хоржий иштирокчиларни онлайн тарзда жалб қилган ҳолда ташкил этилаётган ахборот хавфсизлиги масалалари бўйича мулоқот Ҳамдўстлик мамлакатларининг 50дан зиёд етакчи экспертларини жамлаши кутилмоқда. Унда нафақат халқаро ташкилотлар ва МДХ мамлакатлари етакчи таҳлилий марказларининг вакиллари, балки тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳам иштирок этади. МДХ Ижрочи қотиби Сергей Лебедев, МДХнинг алоқа соҳасидаги минтақавий ҳамдўстлиги Ижрочи қўмитаси бош директори Нурудин Муҳиддинов, Ўзбекистон Бош вазири маслаҳатчиси Олимжон Умаров, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Страте-

гик ва минтақаларо тадқиқотлар институти директори Элдор Арипов тадбирда табрик нутқини сузлайди.

Ушбу Форумни ўтказиш ташаббуси Президент Шавкат Мирзиёев томонидан Ҳамдўстлик давлат раҳбарларининг 2019 ва 2020 йиллардаги саммитларида илгари сурилган эди.

Форумнинг асосий мақсад ва вазифалари МДХни янада ривожлантириш концепциясининг асосий йўналишларига мувофиқ белгиланган. Тадбир кун тартиби рақамли иқтисодиёт ривожланиши шароитида ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда жиноятларга

қарши курашиш, ахборот инфраструктураси объектларини техник ҳимоя қилиш ва кибержойларни тергов қилиш, ахборот маконида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби муҳим масалаларни муҳокама қилишни ўз ичига олган.

Мунозаралар якунлари бўйича Ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалаларига доир халқаро МДХ эксперт форумининг якуний ҳужжати қабул қилиниши кўзда тутилган. Мазкур ҳужжат Ҳамдўстлик доирасида ахборот хавфсизлиги соҳасидаги ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асослари ва институционал механизмларини тақомиллаштириш борасида тавсияларни ўз ичига олади.

Ташриф

Жорий йилнинг 15-18 июн кунлари Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шухрат Содиқов раҳбарлигидаги Ишчи гуруҳ Андижон вилоятида хизмат сафарида бўлганлиги ҳақида хабар бергандик.

Сафар давомида вилоятдаги соҳа корхона, ташкилот ва муассасалари таркибий бўлинмалари фаолияти билан яқиндан танишилиб, муаммоли масалаларни жойида ҳал этишга ҳам катта эътибор қаратилди.



САМАРАЛИ ТҮРТ КУН

АКТ ВАЗИРАЛИГИ ИШЧИ ГУРУХИНИНГ АНДИЖОН САФАРИ ҲАҚИДА



Ташрифнинг дастлабки куни “Радиоалоқа, радиоэшитириш ва телевидение маркази” ДУКнинг Андижон радиотелевидение узатиш маркази фаолияти ўрганилган бўлса, 17 июн куни вилоятнинг иккита тумани – Олтинқўл ва Балиқчи туманларида Рақамли технологиялар ўқув марказлари очилди. Хозирда Андижон вилоятидаги мана шундай марказлар сони 14 тага етди. Очилыш маросимларида АКТ вазирлиги Ишчи гуруҳи аъзолари, IT-Парк ва туманлар ҳокимликлари мутасаддилари, ёшлар иштирок этишди.

Ҳар икки туман почта боғламаларида Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази билан ҳамкорликда аҳолига талабгир электрон давлат хизматларини кўрсатиш йўлга қўйилганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Хизмат сафарининг учинчи куни эса Андижон давлат тиббиёт институтида Инкубация ва акселератор маркази очилди. Марказ институт ва IT-Парк ҳамкорлигида ташкил қилинган.

18 июн куни АКТ вазири Шухрат Содиқов раҳбарлигидаги Ишчи гуруҳ “Ўзбектелеком” АК Андижон филиалининг Андижон шаҳар телекоммуникациялар боғламасида бўлди. Ушбу ўрганишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси – IT-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи Олимжон Умаров ҳам қатнашди.

Андижон шаҳар аҳолиси



нуфузи қарийб 500 минг нафарни ташкил қилади. Аҳоли хонадонлари ва ташкилотларда 55 мингга яқин телефон ишлаб турибди. Албатта, ана шу телефонлар ҳаммаша соз ишлаб туриши, умуман олганда, телекоммуникация хизматларида узлуқлар бўлмаслиги учун шаҳар телекоммуникациялар боғламаси биносининг биринчи қаватида замонавий Савдо ва хизмат кўрсатиш офислари ташкил қилинган. Бу ерда мижозлар учун барча шароитлар яратилган. Хизмат кўрсатиш офисларида интернет, уй телефонига уланиш, “ЎзМобайл” сим карталарини олиш мумкин.

АКТ вазири Шухрат Содиқов офис ходимлари билан суҳбатлашди. Муаммолари ва режалари билан қизиқди. Офис менежери Гулираъно Ҳакимова 21 йилдан бери алоқа соҳасида меҳнат қилиб келади. Узок

йиллар соҳада ишлаган онаси Муқаддам Валиева сабабли бу касбга меҳри тушган. Андижон алоқа касб-хунара коллежида тахсил олган.

Офис менежери Феруза Ёқубова эса етти йилдан буён ахборот технологиялари соҳасида хизмат қилади. “Бажараётган ишмидан хурсандман”, дейди у. Унинг айтишича, мобил интернетга талаб катта экан.

– Аввало, хизмат кўрсатувчи ходимлар учун барча иш шароитлари қулай бўлиши керак, – деди АКТ вазири Шухрат Содиқов ходимлар билан мулоқот давомида. – Ходим эса билимли, ўз касбининг устаси бўлиши шарт. Мижозларни кўнглига йўл топа олиш ҳам билимни талаб қилади. Шунинг учун доимо ўз устларингизда ишлашларингиз, ўқиб-изланишларингиз керак бўлади.

Боғламанинг иккинчи қаватида хизмат хоналари замонавий таъмирланиб, ходимлар учун қатор қулайликлар яратилган. Шундан сўнг Ишчи гуруҳ аъзолари барча талабларга жавоб берадиган автомат телефон станцияларини кўздан кечиришди. Тезкор хизмат кўрсатиш, ҳар бир мижоз билан алоҳида ишлаш юзасидан тавсиялар берилди.

Ташриф давомида радиотелевидение, почта, телекоммуникация, мобил алоқа хизматлари, IT-марказлар ва бошқа йўналишларда алоҳида ўрганишлар олиб боришди, муаммоли масалалар ҳал этилди.

Абдугани АБДУРАҲМОНОВ

Акмал ҚУДРАТОВ олган суратлар.

ТАТУ янгиликлари

ТАЛАБАЛАР БИТИРУВ ИШЛАРИ ҲИМОЯСИ БОШЛАНДИ

Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалининг “Телекоммуникация инжиниринги” кафедрасида талабаларнинг битирув малакавий ишлари ҳимояси бошланди. Тадбирни ТАТУ Самарқанд филиали директори Зайниддин Қаршиев кириш сўзи билан очиб, барча талабаларга битирув малакавий ишлари ҳимоясида муваффақиятлар тилади.



Ҳимоя комиссияси раиси, “Ўзкомназорат”нинг Самарқанд вилояти ҳудудий инспекцияси бошлиғи Комил Раҳматов барча битирувчиларни табриклаб, ТАТУ Самарқанд филиали соҳа корхоналарига мутахассис кадрлар етказиб берувчи олий даргоҳ эканлигини таъкидлади.

Соҳанинг етакчи корхоналаридан “Ўзбектелеком” АКнинг Самарқанд филиали муҳандиси Шодиёр Эшмирозов, “Телекоммуникация транспорт тармоғи” 4-боғланмасининг олий тоифали муҳандиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқа ходими Ғулום Боймуродов, “ЎзМобайл” филиали Самарқанд ҳудудий боғламаси бошлиғи Юрий Лилар битирув малакавий ишлар ҳимоясида саккиз кишилик комиссия аъзолари сафидан ўрин олишган.

Хозирда жараён қизгин давом этиб, соҳа корхоналари вакиллари ҳамда “Телекоммуникация инжиниринги” кафедраси профессор-ўқитувчиларидан иборат Давлат аттестация комиссияси аъзолари ҳар куни 16 нафар талабанинг битирув малакавий ишларини эштитиб, баҳолаб боришмоқда. Ҳатта тўрт кун давомида 74 битирувчидан 64 нафари ўз ишларини муваффақиятли ҳимоя қилди.

– Бу йилги битирувчиларнинг ҳар бири билим доираси кенглиги ҳамда устозлар таълимини пухта эгаллаганлиги билан ажралаб турибди, – дейди “ЎзМобайл” Самарқанд ҳудудий боғламаси бошлиғи Юрий Ли. – Эртанги куннинг эгалари бўлган бугунги ёшларни биз соҳа корхоналарига мутахассис сифатида ишга қабул қилишга тайёрмиз.

НАЗАРИЯДАН АМАЛИЁТГА

Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалининг 2 ва 3-босқич талабаларидан бир гуруҳи “Ўзбектелеком” АК Самарқанд филиалида ёзги ишлаб чиқариш амалиётини ўтатиш бошланди. Уларни филиал техник директори Зоҳид Худойберганов ҳамда тижорат директори Санжар Назаровлар илиқ қутиб олди.

Амалиёт бошланиши олдида ушбу масала юзасидан анжуман бўлиб ўтди. Унда ТАТУ Самарқанд филиали директори Зайниддин Қаршиев олий таълим муассасалари билан соҳа корхоналари ўртасидаги узвий боғлиқликка катта аҳамият берилётгани, ушбу алоқани янада мустаҳкамлаш тўғрисида гапирди. “Бугун ушбу корхонага ташриф буюрган амалиётчи талабалар ўзларини шу соҳага нисбатан ўта масъулиятли эканликларини ҳис қилган ҳолда меҳнат қилишлари, олийгоҳни тамомлағач шу корхонада муҳандис ва ундан – да каттароқ лавозимларда ишлашни мақсад қилиб қўймоғи керак”, – деди жумладан у.



Шундан сўнг “Ўзбектелеком” АК Самарқанд филиали техник директори Зоҳид Худойберганов талабалар учун олийгоҳда олган назарий билимларни бу ерда амалиётда қўллаш имкони мавжудлиги, амалиётда алоҳида ўрнатилган талабаларнинг ойлук маош билан рағбатлантириш режалаштирилганини таъкидлади.

Олий таълим муассасалари билан соҳа корхоналари ўртасидаги бундай ҳамкорлик келажакда таълим сифатини ва самардорлигини оширишда муҳим рол ўйнайди.

ТАТУ Самарқанд филиали ахборот хизмати

1

РАҚАМЛАШГАН ШАФФОФ ВА ФАРОВОН ТУРМУШ



**“103”ни теринг ва сананг:
1, 2 — “Тез ёрдам эшитади”**

Пурухимиз билан шаҳар тез тиббий ёрдам станциясига кириб борар эканмиз, қайноқ жараённинг гувоҳи бўлдик. Дастлаб бирин-кетин келиб-кетаяётган тез ёрдам машиналарини тасвирга олишга шошилдик. Ҳақиқатан, барчаси жуда тезкор. Хатто шифокорларнинг бир-иккита саволимизга жавоб беришга ҳам вақти йўқ ва биз уларни тушундик. Ахир, гап инсон саломатлиги ҳақида кетяпти ва бу ўринда ҳар бир дақиқа ғанимат.

Бизни энг қувонтиргани, “Дамас”ларнинг беморларни ташиш вазифасидан “озод” этилгани бўлди. Энди улар ўрнини замонавий тиббиёт жиҳозлари билан таъминланган автоуловлар эгаллабди. Вақтдан унумли фойдаланиб, кириб келган “103” машиналаридан бирини “тафтиш” қилдик. Тартиб ва қулай жойлаштирилган сўнги русумдаги тиббиёт жиҳозлари билан бизни фелдшер йигит таништирди:

– Кўриб турганингиздек, тез ёрдам машинасизда энг керакли тиббиёт ускуналарининг ҳаммаси бор, масалан, ўпкани сунъий вентилляция қилувчи аппарат, буниси реанимацион сумка, ЭКГ, аспиратор, дефибрилятор мосламалар. Шунингдек, ҳар бир жараён назоратда бўлиши учун гумбезли камера, тезкор боғланиш ва маълумотлар олишни таъминлаш мақсадида рация, тармоқли видеорегистратор (NVR), оддий видеорегистратор, тана камераси ва бошқалар ўрнатилган. Булар аҳолига сифатли тез ёрдам кўрсатишимизда жуда қўл келяпти.

Ҳукуматимизнинг тез тиббий ёрдам тизимига замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини жорий этиш топшириқлари асосида ушбу лойиҳани ташкиллаштириш, молиялаштириш ва йўлга қўйишда бош координатор бўлган АКТ вазирлигининг ҳиссаси катта.

Муассасанинг Call-марказ бўлимига чиққанимизда эса аввалгидек банд жинглик бўлган телефон кўнгируқлари ю операторларнинг бор овозда мурожаатчиларга жавоб бераётгани ёки стол устида пала-партиш бўлиб ётган қозғалар уюмига эмас, мутлақо аксига дуч келдик...

Хона тўрига вазиятларда қарор қабул қилишга мўлжалланган ахборот таблици катта экран ўрнатилган. Кейин кўзингиз тартиб билан жойлаштирилган ва замонавий техник жиҳозлар билан таъминланган иш ўринлари ҳамда кўнгируқларга тезкор жавоб бераётган ёш йигит-қизлардан иборат жамоага тушади. Мониторлардаги чизиклар бўйлаб

ҳаракатланиб кетаётган “нуқталар” эса реал ҳаётда қайсидир юртдошимиз ҳаётини сақлаб қолишга шошилаётган тез ёрдам бригадаларидир.

– Ахборот технологияларини жорий қилишдан олдин бутун жараёнлар куйидагича тақсимланган эди. Яъни “диспетчер приём” ва “диспетчер направления” деган иккита иш ўрни бўларди, – дейди Call-марказ бўлими мудири Насиба Маҳмудова. – Операторлар “диспетчер приём” кўнгируғини қозғога ёзиб, қабул қилгач, кейинги хонадаги “диспетчер направления” дагиларга топширишарди. Улар эса “подстанция”га телефон қилиб, мурожаатни айтиб туришарди. “Подстанция”даги оператор ҳам уни ёзиб олиб, сўнгра энг яқин тез ёрдам машинасини телефон орқали топарди ва мурожаатни бригадага етказарди. Хуллас, кўнгируқ келиб тушган пайтдан бригадага борунигача ўртача 30 дақиқа, кўпи билан бир соат вақт кетарди. Ҳозирги кунда автоматлаштириш тўғрисида вазифаларни битта операторнинг ўзи тезкор бажаряпти.

Ҳақиқатан, рақамлаштириш тўғрисида кўнгируқ келиб тушган пайтда оператор монитордаги кичик сўровномани тўлдирган заҳоти тизим автомат тарзида манзилни кўрсатди ва унга энг яқин турган тез ёрдам машинасини ҳам аниқлаб берди.

– Тизимнинг қулайлиги шундаки, барча жараёнларни харита орқали ҳам кузатиш мумкин, – дейди оператор қизлардан бири. – Кўряпсизми, айни пайтда мурожаатчига энг яқин бригадани тизимнинг ўзи менга тавсия қияпти. Масалан, ҳозир Бектемир подстанциясида УПВ-03 бригадаси 1 км. масофада турибди ва тизим шуни кўрсатяпти. Уни белгилаб, “бригадага юбориш” буйруғини берсак, чақириқ автомат тарзида тўғридан-тўғри бригада планшетига тушади.

Мутахассиснинг таъкидлашича, автоматлаштирилган тизим шарофати билан бугун ҳар битта кўнгируқ узоғи билан бир дақиқада мурожаатчига энг яқин турган бригада планшетида етказияпти. Улар ҳам маълумотларни қайтадан ёзиб олаётгани йўқ. Тизимга киритилгани тўғридан-тўғри планшетига йўналтирилади. Ишчи гуруҳи эса планшет орқали ҳам мурожаатчи ҳақидаги маълумотларни, ҳам хари-тадаги манзилни кўришга муваффақ бўлади. Тез ёрдам машиналари йўлларда тезроқ ҳаракатланиши учун ҳозирги кунда транспорт воситаларини бошқаришнинг интеллектуал воситаларидан фойдаланилмоқда. Яъни, уларга ўрнатилган GPS

технологияси ва датчиклар тўғрисида тизим қайси кўчада тирбандлик бор, қай бирида йўқлигини ҳисобга олиб, манзил учун энг оптимал йўлни белгилаб беради.

Фаолият автоматлаштирилиши ҳисобига жараёнлар қисқарди, керак бўлмаган босқичлар олиб ташланди. Операторларга, бригада фелдшерлари ҳамда шифокорларга жуда катта қулайликлар яратилди. Энг муҳими, аҳолига тезкор ва сифатли хизмат кўрсатишга эришилди. Ҳозирда операторлар келиб тушган кўнгируқни 2 сониядан узоғи 7 сониягача кўтаришади ва 1 дақиқа ичида бригадага етказишади. Тезкор йўлга чиққан гуруҳ эса янги технологиялар шарофати билан “Энг қимматли биринчи соат”да беморга сифатли тез тиббий ёрдам кўрсатишга муваффақ бўляпти.

– “Тез тиббий ёрдам” тизими фелдшер ва шифокор бригадалари, автомобиллар ва Колл-марказдан ташкил топган катта хизматдир, – дейди ВеPro дастурчилар маркази бош директори Абдувоитжон Гофуров. – Ҳозирги кунда биз замонавий технологиялардан унумли фойдаланиб, ҳар битта автомобилни телекоммуникация ва GPS мосламалари билан жиҳозлаганмиз ва тизимга улаганмиз. Тизимни ишлаб чиқиш ва жорий этишда маҳаллий мутахассисларимиз, компаниямиз ҳамда 103 тизими ходимларининг хизмати жуда катта. Чунки бу жараёнларни ишга туширишда шу соҳа мутахассислари билан бирга ишладик. Ягона бошқарув тизимини яратиб, жорий қилдик. Эндиликда кўриб турганингиздек, катта монитор орқали бош шифокорлар доимий тарзда автомобилларнинг қаерда юргани, қанчаси бўш турганини назорат қилиб боришяпти.

Замонавий технологиялар ва ахборотлаштиришни татбиқ этиш, бизнес жараёнларини автоматлаштириш тўғрисида бугунги кунда тез тиббий ёрдамга келтирилган дорилар ҳисоботи, уларнинг тақсимоли, сарфланиши, ҳар бир бригада сумкасида нималар борлиги, тўлиқ таъминланганлик даражаси, қанча қолгани, сақланиш муддати – ҳамма-ҳаммасини назорат қилиб туриш мумкин. Шунингдек, тизим 103 ходимлари – ҳисобчилар, статистика бўлими, раҳбарият, дорихона, омборхона мутахассислари ҳамда операторларга жуда қулайликлар олиб келди.

Дарҳақиқат, тез ёрдам хизматини замонавий ускуналар, барча керакли

дори-дармонлар билан жиҳозлаш, энг янги технологиялардан фойдаланиш аҳолининг ўлим даражаси ва ногиронлигини камайтиради. Шу билан бирга, юртдошларимизда тиббий хизмат сифатидан қониқиб ҳамда тиббиёт ходимларига ишонч ҳиссини оширади.

– Тўғри, бошида қийинчиликлар бўлди. Эски тизимда ишлашга ўрганиб қолган ва автоматлашган бошқарув тизимига ишлаш янгилик сабабли қозғога ишлаш осонроқ эди, деган фикрларни билдиришди. Кейин биз ходимлар учун махсус ўқув тренинглари ташкил қилдик, – дейди Абдувоитжон Гофуров. – Икки мингдан зиёд 103 ходимини махсус тренинглardan ўтказдик ва махсус сертификатлар бердик. Тизимда фаол ишлашга қизиқишини ошириш мақсадида рағбатлантирдик, ўзаро беллашувли тадбирлар ташкил қилдик, махсус совғалар топширдик. Эндиликда улар тизимнинг қанчалар қулай эканини тушуниб етишди. Ҳозирги кунда усиз ишларини тасаввур ҳам қила олишмайди. Чунки тизим ишни енгиллаштириш билан бирга, кўрсатилаётган хизматнинг сифатини, тезлигини оширди.

– Тез ёрдам соҳасида 22 йилдан бери ишлайман. Ҳозирги автоматлаштирилган тизим бизга жуда кўп қулайликлар берапти, – дейди Гўзал Каримжонова. – Олдинлари чақирувларни қозғога ёзиб, то бошқа телефон орқали жўнатганимизча анча вақтимиз кетарди. Автоматлаштирилган тизим нафақат биз, балки аҳоли учун ҳам жуда яхши бўлди, чақирувларни узоғи 1 дақиқада бригадаларга етказиямиз. Барча туманларга кечиктирмай тез ёрдам машиналарини юборяпмиз. Аҳоли ҳам тез тиббий ёрдамнинг кечикмай бораётганидан миннатдор. Ҳар бир тежалган вақт ғанимат, у инсонни ҳаётга қайтаришда катта натижа бериши мумкин.

Кузатувларимиздан шунга амин бўлдикки, Ўзбекистонда тез тиббий ёрдам хизматининг инновацион босқичига катта қадам ташланди. Эндиликда бу тизимни бутун республика бўйлаб жорий этиш даркор. Умид қиламизки, тез орада тез тиббий ёрдам билан боғлиқ бошқа тўсиқлар ҳам бартараф этилиб, у энг ишончли тизимлардан бирига айланади.

Шоҳида ИСРОИЛОВА,
“Xabar” муҳбири

IT-ОБРАЗОВАНИЕ

НОВЫЙ КОВОРКИНГ-ЦЕНТР И ИТ-ШКОЛА ОТКРЫЛИСЬ В НАМАНГАНСКОЙ ОБЛАСТИ!

В Давлатабадском районе Наманганской области в информационно-библиотечном центре «Новый Узбекистан – место просвещения молодежи» запущены зона коворкинга и филиал ИТ-школы, действующие при ИТ-Park.

Данная инициатива была реализована согласно подписанному ранее соглашению между хокимиятом Наманганской области и Министерством по развитию информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан.

Отметим, что также на территории Наманганской области разместились два резидента ИТ-Park, которые будут осуществлять деятельность коворкинг-центра и направлять школьников и студентов на пути к становлению опытными ИТ-специалистами.



ПРИЛОЖЕНИЯ

В ТЕСТОВОМ РЕЖИМЕ ЗАПУСТИЛИСЬ ПРИЛОЖЕНИЯ “ДЕНЬГИ ЗА ХОДЬБУ”



Начала работу платформа “Здоровый образ жизни” для популяризации ходьбы и бега среди населения. Доступен сайт ihls.uz, можно скачать одноименные приложения для iOS и Android.

Для регистрации необходимо иметь аккаунт в ONE ID. После регистрации надо заполнить информацию о себе (рост, вес, место жительства) и предоставить приложению доступ к шагам:

Версию для Android уже скачали свыше 10 000 раз. Рейтинг приложения пока две звезды из пяти — пользователи жалуются, что не получается пройти регистрацию, а Google блокирует доступ при попытке разрешить доступ к персональной информации.

В App Store у приложения рейтинг пока тоже две звезды — пользователи отмечают, что приложение лагает, а деньги не начисляются.

На главном экране приложения периодически появляется уведомление, что оно работает в тестовом

режиме и деньги не начисляются. Однако в социальных сетях можно найти отзывы людей, которые уже смогли заработать и вывести деньги.

Что за “деньги за ходьбу” Ранее “Газета.uz” писала, что граждане в возрасте 18 лет и старше при прохождении в течение суток 10 тыс. и более шагов получают на свой электронный кошелек 3 000 сумов.

При этом раз в месяц пользователь платформы, прошедший наибольшее расстояние в разрезе района (города) получит 300 тыс. сумов, в разрезе регионов — 500 тыс., а лидер по шагам на республиканском уровне получит 1 млн. сумов.

Финансироваться это будет за счет специального сбора с продавцов алкоголя и сигарет.

ОНЛАЙН УСЛУГИ

АБОНЕНТАМ UZTELECOM ОФОРМЛЯТЬ ОНЛАЙН-ЗАЯВКУ СТАЛО ПРОЩЕ

Теперь для клиентов UZTELECOM стали доступны онлайн-подключение и расширенный функционал приложения MyUZTELECOM.

С приложением MyUZTELECOM можно самостоятельно проверить технические возможности подключения к интернету и статус заявки, а также оценить качество выполнения обращения. К услугам UZTELECOM можно подключиться, используя функцию «Онлайн-заявка».

СМИ

KORONAVIRUS INFO ПЕРЕИМЕНОВАЛИ В TIMES.UZ

Telegram-канал Koronavirus Info окончательно поменял направленность и переименован в Times.uz. Теперь это не канал о коронавирусе, а новостной ресурс.

В разгар второго карантина это был самый популярный Telegram-канал в Узбекистане — количество подписчиков достигало 1,4 млн. человек. По мере ослабления карантина люди стали отписываться и к июню осталось чуть более 400 тыс. человек.

Создатели канала все это время

продолжали публиковать посты, в том числе не имеющие отношения к пандемии. О новом названии проекта намекали посредством тега #Timesuz, который впервые появился в постах 8 июня.

24 июня канал сменил название и заглавное фото. «Что? Где? Когда? Теперь все это на Times.uz» — гласит новое описание. Из профиля также пропал алиас, а @koronavirusinfouz теперь ведет на новый канал с 5 подписчиками.

МОЛОДЕЖНЫЙ ФЕСТИВАЛЬ

В ХОРЕЗМСКОЙ ОБЛАСТИ ПРОШЕЛ ХАКАТОН СРЕДИ МОЛОДЕЖИ

В Хорезмской области в июне этого года проводится молодежный фестиваль под девизом “Молодежь Нового Узбекистана, объединяйтесь!”.

В частности, в рамках месячника молодежи 22 июня в Ургенчском филиале Ташкентского университета информационных технологий был проведен хакатон среди молодежи на знание ИКТ и программирования.

Организаторами данного мероприятия выступили



территориальное управление Министерства по развитию информационных технологий и коммуникаций по Хорезмской области в сотрудничестве с Ургенчским филиалом ТУИТ, ИТ-Park, областным управлением Агентства по делам молодежи, компанией AiTech Group.

Хакатон проводился по направлениям образования, медицины, туризма, коммунальной сферы, логистики, сферы услуг.

В мероприятии приняла участие молодежь, в том числе студенты вузов. В ходе соревнования участники представили свои проекты, направленные на решение различных проблемных вопросов в различных сферах.

В ходе соревнования были определены победители среди участников, представивших свои лучшие предложения. В заключение мероприятия все участники были награждены памятными подарками.

6G

SAMSUNG ПОКАЗАЛ ПЕРВЫЙ ПРОТОТИП СОТОВОЙ СЕТИ 6G

Исследователи Samsung продемонстрировали первый рабочий прототип системы мобильной связи следующего поколения. Их решение 6G оказывается быстрее любые существующие технологии 5G. Одна из причин этому — использование терагерцовых радиоволн.

Переход на волне терагерцового диапазона позволил ускорить передачу данных и уменьшить задержки. Пиковая скорость передачи данных в 6G примерно в 50 раз выше, чем в 5G.

Информацию в сетях 6G можно передавать на скорости около одного терабит в секунду. Задержки в передаче пакетов должны быть в десять раз меньше, чем в 5G.

Среди ожидаемых приложений сетей 6G — передача более «тяжелого» контента, такого как видео в разрешении 8K, виртуальной реальности, голографических видео.


Сети пятого поколения 5G пока оперируют в частотном диапазоне до 40 Гц. В сетях 6G рабочая частота переходит границу частоты в 100 ГГц и приближается к 1 ТГц.

Демонстрационная система, которую создали специалисты Samsung, Университета Калифорнии и Университета Санта Барбары, работает на частоте 140 ГГц. При этом ширина канала, который использовался для передачи данных составляла 2 ГГц. На расстоянии в 15 метров им удалось достичь скорости передачи данных в 6,2 Гбит / с.


Теоретические возможности скорости передачи связи 6G могут достигать 1 Тбит / с или около 1000 Гбит / с.

Начало развертывания коммерческих сетей 6G ожидается не ранее 2030 года.





“СУРАТКАШЛИК” ТУГАДИ: ЭНДИ ИШГА!



Америкаликлар Марсга йўллаган “Персеверанс” ровери (марскезар) 2021 йилнинг 1 июнига қадар барча асбоб-ускуналарини синовдан ўтказиб, 75 мингдан зиёд суратлар ва Марс овози ёзилган илк аудиони Ерга йўллаганди. “Тайны космоса” телеграм-канали хабар беришича, ровер энди расман ишга киришди.

Хусусан, илмий дастур доирасида бир неча ой давомида тўрт квадрат километрли Езеро кратери тубидаги майдонда тадқиқотлар олиб боради. У ердан олинган грунт (тупроқ) намуналарини Ерга етказиш учун тўплайди.

“Персеверанс” Марсда ёлғиз эмас, Хитойнинг “Чжужун” ровери ҳам у ерда “селфи” тушиб юрибди.

SPACE X ЁЗНИНГ ОХИРИГА ҚАДАР БУТУН ДУНЁГА СИМСИЗ ИНТЕРНЕТ ВАЪДА ҚИЛМОҚДА

Space X компанияси ёзнинг охирига қадар сунъий йўлдошлари сонини 12 мингтага етказиб, бутун дунёни симсиз интернет билан таъминламоқда. Бу

ҳақда корпорация президенти Гвинн Шотвел маълум қилди.

Starlink сунъий йўлдош тизимининг умумий қиймати 10 миллиард долларни ташкил этади.

1,8 минг сунъий йўлдошдан иборат гуруҳ алақачон тайёр бўлган. Компания уларнинг ишчи орбитага чиқишини кутмоқда. Шундан сўнг, SpaceX назорат қилувчи органлардан рухсат олса бас.

Эслатиб ўтамиз биринчи сунъий йўлдошлар 2019 йил баҳорда орбитага чиқарилган. Ҳаммаси бўлиб Starlink тармоғи учун 30 мингга яқин кичик мосламаларни жойлаштириш режалаштирилган.

20 ЁШЛИ АЁЛНИНГ ЎЛИМИ СИРИ ОЧИЛДИ: ҚОТИЛНИ “АҚЛЛИ” СОАТ ВА СМАРТФОН ТОПИБ БЕРДИ



Грецияда 11 май куни 20 ёшли Кэролайн Крауч исми аёл ўз уйида ўлдириб кетилганди ёзмоқда ВВС. Машғум воқеадан сўнг унинг эри 32 ёшли Бабис Анагностопулос полицияга маълум қилишича, уйга уч нафар шахс ўғрилиққа тушган — тахминан 15 минг евро ни ўғирлашган, уни боғлаб қўйиб, хотинини ўлдириб кетишган.

Шундан сўнг полиция жиноятчиларни қидиришни бошлади, ҳатто кўмак берганларга мукофот ҳам эълон қилинди. Охир-оқибат гумон асли грузиялик одамга бориб тақалди...

Бироқ, тергов давомида мархуманинг электрон қурилмаларини “эладан ўтказган” полициячилар эр ёлгон гапиргани ва ҳақиқий қотил эканини фош этишди. Негаки, эр ўлди деган вақтда аёлнинг “ақлли” соати унинг юраги ҳали уриб турганини қайд этган. Ҳақиқат юзага чиқишида қотилнинг смартфонни ҳам ёрдам берди — “жиноятчилар томонидан боғлаб қўйилган эр” бу пайтда уй бўйлаб тинмай уёқдан буюёқ ҳаракатланган...

Анагностопулос айбига иқдор бўлган.

“КАСПЕРСКИЙ ЛАБОРАТОРИЯСИ”: “TELEGRAM ЭНДИ ХАВФСИЗ ЭМАС!”

Telegram мессенжерининг россиялик фойдаланувчиларига таркибиде зиёнкор дастурий таъминот мавжуд бўлган оммавий тарқатмалар келмоқда. Бу тўғрида “Касперский лабораторияси” огоҳлантиряпти.

Бундай хабарлар кўпинча номазълум жўнатувчилардан келади ва уларга бириктирилган файллар хитойча номланган. Бу иероглифлар асосан “Салом”, “Тўловни қабул қилиб олинг” каби маъноларни англатади. Бундай файллар троян бўлиб, киберхавфсизлик бўйича мутахассислар уларни Ghost вируслар оиласига мансуб, деб ҳисоблашади.

Агар Telegram мессенжери (Telegram Desktop иловаси) орқали келган шундай бирор файлни Windows тизимли компютерда очсангиз, троян операция тизимга тушади ва чуқур ўрнашиб олади. Мазкур дастурий таъминот

Remote Admin Tool жиҳозларининг деярли барча жиҳозлари билан курулланган. “Касперский лабораторияси” экспертларининг таъкидлашларича, бундай турдаги вируслар энг хавфли ҳисобланади; зеро, улар хакерларга компютерингизга киришининг кенг имкониятларини тақдим этади.

Бошқача қилиб айтганда, бу вирус компютерингиз бошқарувини ҳеч бир чекловсиз бошқариш ҳуқуқини қўлга киритади. У тўғмачаларнинг босилишини, сичқонча билан чертишларни ҳисоблашга қодир. Вирус яратувчисига киберҳужум курубонининг компютерига масофадан улашиб имконини беради. Йловларнинг паролларини ўғирлайди ва веб-камера билан ҳам ишлай олади.

Telegram орқали троянлар ҳужуми 2020 йилдаёқ бошланган, аммо айнан ҳозирга келиб улар кенг тарқалмоқда. Мутахассислар мессенжернинг Android, iOS ёки macOS тизимларига мўлжалланган клиентларида бундай хавф борлигини айтишмаяпти. Троянлар асосан Windows тизимли ноутбук ва компютерларга таҳдид туғдирмоқда, демак — ушбу қурилмалар эгалари янада эҳтиёткор бўлишлари лозим. Яъни, бегона кишилардан ёки каналлардан келган, гуруҳларда тарқатилган, гаплати номлардаги файлларни компютерда умуман очманг!



Халқаро ҳаёт



ОҚ УЙ: ПУТИН-БАЙДЕН САММИТИ САНКЦИЯЛАР СИЁСАТИГА ТАЪСИР ҚИЛМАЙДИ



АҚШ президенти Жо Байден ва Россия раҳбари Владимир Путиннинг учрашуви Вашингтоннинг РФга қарши санкциялар сиёсатига “ҳеч қандай ўзгартириш” киритмайди. Бу ҳақда Оқ уй мағбуот қотиби Жон Псаки маълум қилган.

Қонун Вашингтондан кимёвий қурул санкцияларининг мақсадларини кўриб чиқишни давом эттиришни талаб қилади, — дея таъкидлайди у.

“ДУНЁ ФАҚАТ БЕШ ДАВЛАТДАН ИБОРАТ ЭМАС!” — ПРЕЗИДЕНТ ЭРДЎҒОН ХАЛҚАРО СИЁСИЙ ТАРТИБНИ ТАНҚИД ҚИЛДИ

Анталія шаҳрида ташкил этилган халқаро дипломатик форумда (ADF 2021) маъруза қилган Туркия президенти Ражаб Тоййиб Эрдоғон амалдаги халқаро тартиб, хусусан, БМТнинг ҳозирдаги форматини қониқарсиз деб баҳолади. Туркия етақчиси ҳозирги халқаро бошқарув тизими дунё икки

қутбли бўлган эски даврдан мерос экани, бу аҳволда инсоният дуч келаётган турфа муаммоларни ҳал этиш имконсиз эканини таъкидлади.

“8 миллиард нуфусли Ер сайёраси аҳолисининг тақдирини БМТ Хавфсизлик кенгашининг беш доимий аъзоси (АҚШ, Россия, Хитой, Франция, Буюк Британия) ҳукмига боғлиқ бўлиб



қолиши тўғри эмас. Дунёнинг 190 мамлакатига глобал муаммоларни ҳал этишда вақтинча иштирок этиш ҳуқуқини берувчи тизим адолатни таъминлай олмайди. Адолат барқарор бўлмаган маконда эса уруш, танглик ва ҳуқуқсизлик ҳукм суради”, — деди Туркия раҳбари.

ҲИНДИСТОНДА КОРОНАВИРУСНИНГ МУТАЦИЯГА УЧРАГАН ЯНГИ ХИЛИ АНИҚЛАНДИ

Ҳиндистоннинг Махараштра штатида коронавируснинг янги хили — “Делта плюс” (В.1.617.2.1)ни юқтириш бўйича 20та ҳолат қайд этилди, дея хабар берди India TV телеканали.



“Делта плюс” Нави-Мумбай, Палгар ва Ратнагиридан топилган. Ратнагири шаҳрида янги штамм билан юқтиришнинг бешта ҳолати қайд этилган. Беморларнинг иккитасида ҳеч қандай юқтирилганлик аломатлари йўқ. Шаҳар маъмурияти касаллик топилган ҳудудни вақтинча ёпиб қўйишган.

2020 йил 5 октябрда Ҳиндистоннинг Махараштра штатида аниқланган В.1.617 коронавирус штамми яқин орада кўплаб мамлакатларда топилган.

ДУНЁДАГИ ЭНГ БАЛАНД МЕҲМОНХОНА ОЧИЛДИ

19 июн куни Шанхайда дунёдаги энг баланд J Hotel Shanghai Tower меҳмонхонаси расмий равишда очилиб, меҳмонларни қабул қилишни бошлаб юборди. Бу ҳақда The paper хабар бермоқда.

Янги ҳашаматли меҳмонхона Shanghai Tower осмонўпар биносиде жойлашган (632 метр). У дунёдаги энг баланд — Дубайнинг 828 метрлик Burj Khalifa осмонўпар биносидан кейин иккинчи ўринда туради.

Осмонўпар бино 2015 йилда 15 миллиард юан (2,3 миллиард доллар) сарфлаб қуриб битказилган. Шунингдек, бионининг 118-қаватида офис хоналари, дўконлар, ресторанлар ва


Хитойнинг энг баланд кўзатув майдончаси жойлашган.

MSAFEE АНТИВИРУСНИ ЯРАТГАН ЖОН МАКАФИ ҚАМОҚДА ЎЛИК ҲОЛДА ТОПИЛДИ



Испаниянинг El País газетаси McAfee антивирусини яратган Жон Макафи испан қамоқхонасида оламдан ўтгани ҳақида хабар тарқатди, кейинчалик АҚШ Адлия вазирлиги хабарни тасдиқлади.

Макафига биринчи ёрдамни кўрсатишга уринган шифокорлар унинг ҳаётини сақлаб қолишолмаган. Ўлим тафсилотларини полиция ўрганмоқда, New York Times ёзишича, Макафи ўз жонига қасд қилган.

MSAfee асосчиси 2020 йилнинг октябрида Испанияда қўлга олинганди — уни АҚШга экстрадиция ва даромадларини солиқдан яширгани учун 30 йил қамоқ жазоси кутаётганди. Испания Олий суди экстрадиция ҳукмини чиқарганидан бир неча соат ўтиб, Макафининг ўлими хабари тарқалди.



УЧРАШУВ



ПОЧТА ХОДИМЛАРИ МАЛАКАСИ ОШИРИЛАДИ

Почта ва курерлик фаолиятини олиб боришда хавфсиз хизмат кўрсатиш унинг энг асосий жиҳатларидан биридир. Шу боис бу тизимга бўладиган ҳар қандай хуружларнинг олдини олиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Жорий йилнинг 22 июн куни Ўзбекистон Республикаси ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекциясида “Почта, курерлик фаолиятини олиб бораётган хўжалик юри-тувчи субъектларнинг почта хавфсизлиги бўйича белгиланган талабларга риоя қили-ши” мавзусида почта, курерлик фаолиятини

коритувчи хўжалик субъектлари ходимлари иштирокида йиғилиш ўтказилди. Унда “Ўзкомназорат” раҳбарияти ва масъул-лари, “Ўзбекистон почтаси” АЖ ва унинг “Халқаро почтамт” филиали раҳбарлари ва бир қатор почта, курерлик фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик субъектларининг вакиллари иштирок этдилар.

Тадбир давомида иштирокчилар ва му-тахассислар ўртасида фаолиятга доир са-вол-жавоблар бўлиб ўтди. Келгусида почта, курерлик фаолияти ходимларининг мала-касини ошириш, хизмат кўрсатишда эъти-бор қаратиш зарур бўлган муҳим жиҳатлар, асосий вазифалар белгилаб олинди.

МАҲАЛЛАБАЙ ИШЛАШ ТИЗИМИ САМАРАЛИ ЙЎЛ

Жорий йилнинг 15 июн куни Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳа-сида назорат бўйича давлат инспекциясида маҳаллабай ишлаш тизими ва “Обод маҳалла” дастури бўйича телекоммуникация тармоқлари операторлари ва провайдерлар билан давра суҳбати ўтказилди. Унда “Ўзкомназорат” бошлиги ўринбосари Д.Рустамов, Марказий аппаратнинг тегишли бўлимлари ходим-лари, юртимизда фаолият юритаётган бир қатор опера-тор ва етакчи интернет про-вайдерлари иштирок этди.

Йиғилишда маҳаллабай ишлаш тизими ва “Обод маҳалла” дастури доирасида амалга оширилиши керак бўл-ган ишлар, линия-кабел иншо-отларини тартибга келтириш, ҳимоялаш ҳамда кўп қаватли уйларни телекоммуникация инфратузилмаси билан таъ-минлаш, телекоммуникация тармоқларида қурилиши ту-галланган объектларни фой-даланишга қабул қилишнинг соддалаштирилган тартиби ва кутилаётган натижалар тўғри-сидаги маълумотлар юзасидан Тошкент шаҳар ҳудудий ин-спекцияси бошлиги О.Ғаниев, бошлик ўринбосари С.Саидза-имов, бўлим бошлиги К.Абдура-зоқовлар маъруза қилди.

2017–2021 йилларда Ўз-бекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг

Эшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини му-стаҳкамлаш йилида амалга оширишга оид “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастур-лари доирасида маҳалла ва қишлоқлар қиёфасини туб-дан ўзгартириш вазифалари белгиланган. Маърузаларда таъкидланишича, “Ўзкомна-зорат” ушбу дастур ва бел-гиланган топшириқларни бажариш мақсадида йил бо-шидан буён республиканинг барча маҳаллаларида жой-лашган ижтимоий соҳа объ-ектларини рақамлаштириш ва телекоммуникация ин-фратузилмаси ҳолати юзаси-дан ўрганиш ишларини олиб бориб, мавжуд муаммоларни, телекоммуникация хизматла-рини кўрсатувчи оператор ва провайдерлар билан ишлар-ни ташкиллаштириш ҳолда, бартараф этиш чораларини кўрмоқда. Линия-кабел хўжа-ликларини тартибга келтириш чора-тадбирлари бўйича ба-жарилган ишларни аниқлаш мақсадида инспекциянинг Маълумотларни узатиш бўли-ми ва Тошкент шаҳар ҳудудий инспекцияси ходимлари ҳамда провайдерлар мутахассислари билан биргаликда Тошкент шаҳридаги маҳаллалар ва кўп қаватли тураржой биноларида-ги мавжуд алоқа кабелларини тартибга келтириш юзасидан амалга оширилган профилак-тика ишларининг монито-ринги олиб боришган. Монито-ринг натижаларига кўра, пой-тахт туманларига ташрифлар

чоғида кўп қаватли биноларда тортилган линия-кабел хўжа-ликлари юзасидан бир қанча камчиликлар аниқланган.

Шунингдек, давра суҳбати давомида оператор ва про-вайдерларга Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган кўп қаватли тураржой бинола-рининг том қисмида ўрна-тилган ускуналар ҳамда ушбу ускуналардан мижозларга тортилган мавжуд алоқа ка-белларини бинонинг йўлак, ертўла ва имконият мавжуд бўлмаганда фасад қисми орқали ўтказиш ишларини ташкиллаштириш кераклиги бўйича тавсиялар берилди.

Тадбирда Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган “Ўзбек-телеком” АК ТШТТ филиали, Sarkor Telekom, Sharq Telekom, TPS BUSTAN, East Telekom, Comne NET TELEVISION, Asia Wireless Group, ARS-INFORM, NETKA TELEKOM, TURON MEDIA, SOLAR NET WORK, Nano Telecom, Gals Telekom, SKS, Inform Servis TV, EAST STARK TV, FLINK, Koinot TV, Lit-Tel, Skyline Group, Spectar IT, Ҳам-кор ТВ, UZDIGITAL TV, KOMIRA TV, KAMOL-KABEL TV каби корхоналарнинг оператор ва провайдерларини қизиқтир-ган барча саволларга инспек-циянинг тегишли бўлимлари мутахассислари томонидан жавоблар қайтарилди.

Лаълихон ИҒАМОВА,
“Ўзкомназорат”
ахборот хизмати етакчи
мутахассиси

ЁШЛАР ФОРУМИ

РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИГА ЙЎЛЛАНМА

Жорий йилнинг 22 июн куни “Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!” шиори остидаги Талаба ва ёшлар форуми доирасида олий таълим муассасала-рида таҳсил олувчи талаба-ёшлар ўртасида “Нима?, Қаерда?, Қачон?” беллашувининг Самарқанд вилоят саралаш bosқичи ўтказилди.

Беллашув мамлакатимизда амалга ошириладиган ислохотларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш, ёшларга ўз иқтидорларини намоиш этиш учун имконият яра-тиш ҳамда уларни рағбатлантириш мақсадида ташкил этилди.

Саралаш bosқичида ТАТУ Самарқанд филиали та-лаба ёшлари Республика bosқичига йўлланмани қўлга киритди.

А.ҲОТАМОВ

СПОРТ

БУХОРО АЛОҚАЧИЛАРИ ФУТЗАЛДА БЕЛЛАШАДИЛАР

Жорий йилнинг 21–22 июн кунлари Бу-хорода Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тизимидаги акциядорлик компаниялари, жамиятлари, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ви-лоятдаги таркибий бўлинмалари ходимла-ридан тузилган терма жамоалар ўртасида мини-футбол (футзал) бўйича “Саралаш” ва “Ўтиш” мусобақалари ўтказилди.



Асосий мақсад ахборот технологиялари соҳасидаги корхона, ташкилот ва муассаса-ларда фаолият юритаётган ходимлар ўртасида жисмоний тарбия ва спорт оммавийлигини таъминлаш, меҳнат жамоаларида соғлом тур-муш тарзини шакллантириш, аҳоли саломат-лигини мустаҳкамлашдан иборат эди.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 30 ок-тябрдаги “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожланти-риш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этил-ган спорт турнирида “Ўзбектелеком” АК Бухоро филиали, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Бухоро фи-лиали, “ТТТ” филиали Бешинчи боғламаси, АТ “Алоқабанк” Бухоро филиали, Бухоро вилояти ЭММХ ва мобил алоқа компаниялари ходимла-ридан иборат саккизта жамоа иштирок этди.

Мусобақа натижаларига кўра, биринчи ўринни “Ўзбектелеком” АК Бухоро филиали, иккинчи ўринни АТ “Алоқабанк” Бухоро фи-лиали ва учинчи ўринни “ЎзМобайл” филиали Бухоро боғламаси қўлга киритди.

Финал ўйинидан сўн турнир ғолиб ва сов-риндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Мусобақа ғолиблари ва совриндорларига те-гишли даражадаги дипломлар, медаллар ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

UNICON.UZ ХАЁТИДАН



ЯХШИ ДАМ – МЕҲНАТГА ҲАМДАМ

Жамоавий дам олиш меҳнат жамоалари учун нафақат бир-галликда мароқли вақт ўтказиш, балки ходимларни рағбатлантириш ва бирлаштиришнинг самарали воситасидир. Бундай тадбирлар туфайли иш самарадорлиги ошади, ташкилот муҳити яхшиланади ва ходимларнинг ўзаро муносабатлари янада мустаҳкамланади.

Шу каби омилларни инобатга олган ҳолда, UNICON.UZ – Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази касабаяушмаси ва раҳбарияти то-

монидан ходимлар учун эса қоларли жамоавий ҳордиқ ташкиллаштирилди. Тадбир 19-20 июн кунлари Бўстонлик туманининг сўлим Оқтош ёнбағридаги “Нилуфар” дам олиш масканида бўлиб ўтди.

Марказ ходимлари IIm.uz, M-Kas, Unitest, Qalqon жамоаларига бўлиниб, турли спорт беллашувларида иштирок этишди.

Шартлар мураккаб бўлишига қарамай, иштирокчилар уларни мароқ билан бажаришди. Қизгин руҳда ўтган мусобақада IIm.uz жамоаси биринчилиكنи кўлга

киритди. Qalqon жамоаси иккинчи, Unitest эса учинчи ўринга эга бўлди. Ҳордиқ турли мусобақалар ва ўйин-кулгубилан давом этди. Жумладан, “Бойланган оёқлар”, “Футболка кийиш”, “Кувнок сув эстафетаси”, “Денгиз қароқчилари” каби ўйинлар уюштирилди. Танловда иштирок этган жамоалар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Душанбада янги куч билан тетик ҳолда ишга қайтиш учун шаҳар шовқинидан ҳоли тинч муҳит, тоғ ҳавоси ва кўтаринки кайфият айна муддао бўлди.

КОРХОНАДА КИТОБ БАЙРАМИ



Яқинда UNICON.UZ – Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари марказида китоблар ярмаркаси бўлиб ўтди. Тадбир корхона “Маънавий-маърифий ишлар дастури” доирасида ишчи-ҳодимлар маънавий-интеллектуал салоҳияти ва дунёқарашини ошириш, улар орасида мутолаа маданиятини тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилди.

“Шарқ зиёкори” нашриёт-матбаа ижодий уйи ҳамкорлигида уюштирилган ушбу ярмаркада бадий ва илмий нашрлар, жаҳон адабиётининг нодир асарлари, болаларга оид ва бошқа жанрдаги китоблар савдоси бўлиб ўтди.

Ярмарка ҳақиқий китоб байрамига айланиб кетди. Ишчи-ҳодимлар ўзларини қизиқтирган адабиётлар билан танидилар ва харид килдилар. Ўзлари ўқиган китоблар борасидаги сўбатларда улар ишдан бўш вақтларида албатта китоб мутолаа қилишга келишиб олдилар.

Севара САЙДУМАРОВА,
UNICON.UZ етажик муҳандиси

БИЛАСИЗМИ?

ДУНЁДА КИМ КЎП КИТОБ ЎҚИЙДИ?

Хитой, ҳинд, рус, испан ёки японлар, дейишга шошилманг!

Йилига 1000 китоб ўн минглаб ададда (!) босиладиган, минг кишига учтадан асар тўғри келадиган Исландияда дунёдаги энг китобсевар халқ яшайди. Оддий балиқчисиям овидан кейин ўқимаса, кўнгли жойига тушмайди.



Аҳолиси бир ҳовуч – 368 590 киши. Кунига ўртача 8-9 соатни ўқиб-ўрганишга сарфламаса, ҳисобмас.

Бир исланд ноширининг ҳисоб-китобича, ҳар олти кишидан бири ўз романини ёзишга тайёр тураркан. Ҳатто, жуда келиштириб мақол ҳам тўқишган: “Ҳар кишининг ичида бир китоб яшайди”.

МАСЛАҲАТ

ЖАЗИРАМА ЁЗДА ЕНГИЛ ОВҚАТЛАНИНГ

Россиялик мутахассис Елена Соломатина жазирама ёзда тўғри овқатланиш бўйича маслаҳатларини берди. Диетологнинг сўзларига кўра, биринчи навбатда, иссиқда “қиздирувчи” таомлар, масалан, гўшт ва ёғли шўрваларни истеъмол қилмаслик керак.

Унинг айтишича, мол ёки қўй гўшти ҳазм қилиш учун кўп вақт талаб қилади. Натижада иссиқлик ажралиши ҳам узоқ вақт давом этади. Бу эса ҳол-аҳволнинг ёмонлашишига олиб келиши мумкин. Шунга кўра таомномада уларнинг ўрнига товуқ ёки кўён гўшти тановул қилган маъқул. “Ёзда таом енгил бўлиши керак. Тез-тез, бўлиб-бўлиб овқатланиш зарур. Асосий таомни иссиқ бошланишидан олдин ва кейинга қолдирган дуруст. Анъанавий тушлик пайтида, соат 12:00-13:00ларда сабзавот шўрва, салатлардан фойдаланиш яхшидир”, – дея тавсия беради Соломатина.

Ҳаддан ташқари қизиқ кетишдан сақланиш учун, диетологнинг фикрича, таомномага таркибиди суюқлик кўп бўлган маҳсулотлар: сабзавот, мева ва резаворларни кўпиш лозим. Бундан ташқари, сув ичишни унутиб қўймастик ҳам керак: ҳар 20-30 дақиқада бир-икки кўлтумдан ичилади.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир:

Абдугани АБДУРАҲМОНОВ

Таҳрир Хайъати:
Шухрат СОДИҚОВ (Хайъат раиси), Назиржон ҲАСАНОВ,
Коммуна ИРИСБЕКОВА, Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Лутфулло ТУРСУНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),
Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ (Масъул китоб).

Таҳририятга келган кўлзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar” дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.
Газета саҳифаларини тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилди.
Баҳоси келишилган нарҳда.

МАНЗИЛИМИЗ:

100000, Тошкент шаҳри,
Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй
(Мўлжал Олой бозори).
Телефонлар: 71-234-18-59, 71-234-18-31.
Факс: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.
Навбатчи: Муҳиддин СОЛИЕВ.



ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 17.00
Босишга топшириш вақти — 24.00

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг жума куни чиқади

Газета “Ўзбекистон” нашриёт матбаа уйи босмахонасида chop этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.

V 4733 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ. Адади: 5768